



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « I » ИЮЛЬ

№ 418

Toshkent sh.

### **Осиё тараққиёт банки иштирокида “Коронавирус пандемиясига қарши курашиш дастури” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 22 апрелдаги ПҚ–4691-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2020 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси делегацияси ва Осиё тараққиёт банки (кейинги ўринларда – ОТБ) вакиллари ўртасида “Коронавирус пандемиясига қарши курашиш дастури” лойиҳаси (кейинги ўринларда – лойиҳа) доирасида Ўзбекистон Республикасига 15 йил муддатга 3 йиллик имтиёзли давр билан 500,0 миллион АҚШ доллари миқдоридagi қарз маблағларини тақдим этиш бўйича қарз музокаралари ўтказилганлиги ҳамда қарз битимига оид музокаралар баёни имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лойиҳа доирасида ОТБ маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасини тўлдириш ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилади.

3. Осиё тараққиёт банки томонидан “Коронавирус пандемиясига қарши курашиш дастури” лойиҳаси доирасида ажратиладиган қарз маблағларини қайтариш, фоиз ва воситачилик ҳақи бўйича тўловларни амалга оширишнинг прогноз жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги лойиҳанинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, шунингдек, ОТБ томонидан ажратиладиган қарз маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

ОТБ томонидан ажратиладиган қарз маблағларини қайтариш, фоиз ва воситачилик ҳақи бўйича тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси номидан ОТБ билан қарз битимини имзолаш ваколати берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси билан ОТБ ўртасида имзоланган қарз битими бўйича белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия – иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж. А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т. А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**



Вазирлар Маҳкамасининг  
**2020 йил I июлдаги 418** - сон қарорига  
илова

**Осиё тараққиёт банки томонидан “Коронавирус пандемиясига қарши курашиш дастури”  
лойихаси доирасида ажратиладиган қарз маблағларини қайтариш, фоиз ва воситачилик ҳақи  
бўйича тўловларни амалга оширишнинг  
ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ**

Қарз суммаси 500 млн. АҚШ долл.  
Қарз муддати 15 йил  
Имтиёзли давр 3 йил  
Фоиз ставкаси 6 ойлик LIBOR + 0,5 %  
Воситачилик ҳақи 0,15 % йиллик

Тўлов даври	Қарз суммаси	Тўлов суммаси			Тўланиши лозим бўлган умумий сумма
		асосий қарз	фоизлар*	воситачилик ҳақи **	
03.07.2020	500,00				0
15.10.2020	500,00		4,77		4,77
15.04.2021	500,00		8,34		8,34
15.10.2021	500,00		8,39		8,39
15.04.2022	500,00		8,34		8,34
15.10.2022	500,00		8,39		8,39
15.04.2023	500,00		8,34		8,34
15.10.2023	479,17	20,83	8,39		29,22
15.04.2024	458,33	20,83	8,04		28,87
15.10.2024	437,50	20,83	7,69		28,52
15.04.2025	416,67	20,83	7,30		28,13
15.10.2025	395,83	20,83	6,99		27,82
15.04.2026	375,00	20,83	6,60		27,44
15.10.2026	354,17	20,83	6,29		27,12
15.04.2027	333,33	20,83	5,91		26,74
15.10.2027	312,50	20,83	5,59		26,43
15.04.2028	291,67	20,83	5,24		26,08
15.10.2028	270,83	20,83	4,89		25,73
15.04.2029	250,00	20,83	4,52		25,35
15.10.2029	229,17	20,83	4,19		25,03
15.04.2030	208,33	20,83	3,82		24,66
15.10.2030	187,50	20,83	3,49		24,33
15.04.2031	166,67	20,83	3,13		23,96
15.10.2031	145,83	20,83	2,80		23,63
15.04.2032	125,00	20,83	2,45		23,28
15.10.2032	104,17	20,83	2,10		22,93
15.04.2033	83,33	20,83	1,74		22,57
15.10.2033	62,50	20,83	1,40		22,23
15.04.2034	41,67	20,83	1,04		21,88
15.10.2034	20,83	20,83	0,70		21,53
15.04.2035	0,00	20,83	0,35		21,18
<b>Жами</b>		<b>500,00</b>	<b>151,22</b>	<b>0,00</b>	<b>651,22</b>

\*) қайтариш тўловларининг фоиз ставкалари ҳисоби Bloomberg нашрининг маълумотларига асосланган ҳолда, келгуси 15 йилда LIBOR ставкасининг энг юқори кўрсаткичи- 2035 йилда 2,3 фоизни, 2019 йилда - 2,8 фоизни ташкил этганлигини ҳисобга олиб, 2,8 фоиз деб қабул қилинади ҳамда дошми 0,5 фоиз ставкаси қўшилганда, ушбу қарз тўловининг йиллик фоиз ставкаси 3,3 фоизни ташкил қилади.

\*\*) воситачилик ҳақи Қарз битими имзолангандан сўнг 60 кундан кейин ҳисобланади.

